







Саволларинизга жавоб берамиз

Уй-жойларни хусусийлаштириш

Маълумки, Тошкент шаҳрида уй-жойларни хусусийлаштиришга киришилди. Шу муносабат билан тадбирларни муштарийлардан уй-жойларни хусусийлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасдан кўнад-кўпи саволлар олинди. Уларни умумийлаштириб, уй-жойларни хусусийлаштиришнинг асосий қондаларини тушунтириб берадиган жавоблар тайёрланди.

САВОЛ: Уй-жойни хусусийлаштириш деганда нима кўзда тутилади?

ЖАВОБ: Уй-жойларни хусусийлаштириш аввал давлатга, вазириятлар, идоралар, корхона ва жамоат ташкилотларига тегишли бўлган уй-жойларни фуқароларга пулга ёки бепул мулк сифатида ўтказиш демакдир.

САВОЛ: Қандай уй-жойлар хусусийлаштирилади?

ЖАВОБ: Санитария ва техника меъёрларига кўра яшаш учун яроқсиз бўлган, авария ҳолидаги уй-жой бинолари, коммунал квартиралар, хизмат квартиралари (уйлар, ётоқхоналар, ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар ҳудудида жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, тарихий ва маданий ёдгорликлари бўлган уйлар (квартиралар), шу жумладан уй-музейлар хусусийлаштирилади. Бошқа ҳамма уй-жойлар хусусийлаштирилиши мумкин.

САВОЛ: Ким уй-жойларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эгадир?

ЖАВОБ: Хусусийлаштириладиган уй-жойда доимий прописанаси бўлган Тошкент шаҳри аҳолиси ўз уй-жойини хусусийлаштириш ҳуқуқига эгадир. Хусусийлаштириш пайтида биргина асосий квартира эгасигина эмас, балки биргаликда яшаётган балогатга етган бошқа оила аъзолари рози бўлган ҳолда оиланинг балогатга етган хоҳлаган аъзоси уй-жой эгаси бўлиши мумкин.

САВОЛ: Бир квартирга бир неча киши эгаллик қилиши мумкинми?

ЖАВОБ: Оилادا биргаликда яшаётган балогатга етган оила аъзоларининг розилиги ва техник шароитлар (тегишли хоналар) мавжуд бўлса бир квартира оиланинг балогатга етган икки ва ундан кўпроқ аъзосининг мулк сифатида рўйхатга олиниши мумкин. Бу пай асосидан мулкчилик бўлади. Ана шундай ҳолда ҳар бир хонанинг эгаси, бу хонанинг ҳажми ва қиймати қайд қилинади. Аммо умумий фойдаланиладиган жойлар (ошхона, ванна, лоджия ва ҳоказолар) оиланинг ҳамма аъзолари фойдаланиши учун қолдирилади.

САВОЛ: Ким уй-жойнинг бепул хусусийлаштириш ҳуқуқига эга?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларида уй-жойларнинг бепул хусусийлаштириш ҳуқуқи берилган фуқаролар бу ҳуқуққа эгадирлар. Бундай имтиёзлар Улуғ Ваган урши ноғиронлари ва қатнашчилари, халқ бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари, мактаб ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячилари, педагоглар, иккунчи ва тиббиёт ходимлари, оила аъзолари орасида ногирон байналмилалчи жангчи бўлган оилалар, кўриш қобилияти бўйича биринчи гуруҳ ногиронлари бўлган оилалар, оилادا 18 ёшгача еттига ва ундан кўпроқ фарзанд бўлган кўп болали оилалар, ота-онаси йўқ етимлар, асраб олинган ва ҳомийликка олинган болалар, боқимадонини йўқотган, учта ва ундан кўпроқ меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган оилалар, ишлаб-ётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, 30—50-йилларда қатагон қилинган ва ҳозир оқланган оила аъзолари бўлган оилаларга, оила аъзолари Чернобыль аварияси оқибатларини бартараф этишда иштироқ этган оилаларга берилган. Бошқа барча фуқаролар уй-жойларини пул тўлаб хусусийлаштирадilar.

САВОЛ: Хусусийлаштириладиган уй-жойнинг қиймати қандай аниқланади?

ЖАВОБ: 1992 йилгача қурилган хусусийлаштириладиган квартира (уй) қиймати уй-жой қолдиқ биланс қийматидан келиб чиққан, сифати ҳисобига олинган ҳолда аниқланади. Бунда янги қурилган уй-жойлар қиймати эса уй-жой қурилишининг смета қиймати ва унинг сифатига қараб чиқарилади. Бундай ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар Хокими томонидан тасдиқланган ягона методика бўйича бу ишни бажариш ваколати берилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Суратли ахборот



ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ТЕНГДОШИ

ЎЗБЕКИСТОНДА футбол ва баскетболнинг ривож топшишига катта ҳисса қўшган Анатолий Кирилловнинг 80 ёшга тулди. Ўзбек футболининг тенгдоши, 30-50-йиллар спортда ўзига хос из қолдирган, ташаббускорлиги, сарфайратлиги, ҳаётини таърихнинг бойлиги учун жамоадорларни ўртасида «Отахона» номини олган инсон узок йиллар давомида Тошкентнинг бир қатор жамоаларида ҳимоячи, мураббий бўлиб ишлаган.

Яқинда Ўзбекистон футбол федерациясида Анатолий Кирилловнинг таваллудига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда федерациянинг биринчи вице-президенти Эльмар Аминов, вице-президент Наримон Жалолов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Муҳаммад Бобур Маликов, футбол федерациялари кенгашининг масъул котиби Қобилжон Рустамов, собиқ пахтакорчилар Тўлаған Исоқов, Улугбек Қорйеқубов, Шо-

кир Исмоиловлар иштироқ этдилар. Тадбирга таъриф буюрган ўзбек футболининг отахоналари Геннадий Ермаков, Сергей Будагов, Ашот Триткоряцки ва бошқалар хотиралари билан ўртоқлашди. Уларнинг Анатолий Кирилловнинг спортдаги ҳаётида содир бўлган латифаюмиз ҳикоялари камтағрига дастурхон атрофида бўлаётган ширин сўхбатни янада жонлантириб юборди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг биринчи вице-президенти Эльмар Аминов, «Пахтакор» клуби раиси Давид Берлин Анатолий Кирилловнинг таваллуд айёми билан муборакбод этди, унга эсдалик совғалари топширдилар.

Шухрат АРМОН.

СУРАТДА: ўзбек футболининг тенгдоши А. Кирилловга эсдалик совғалари топширилмоқда.

Александр Паршин сурати.

«02» хабар беради

Шу йилнинг 28 сентябрдан 4 октябрга қадар Тошкентда 301 марта жиниоткорона ҳодисалар рўй берди, улардан 200 таси эса дастлабки кунларда фойда этилди. Утган йили шу пайтда бу рақамлар 379 ва 245 таки ташкил этарди. Хулоса қилиш мумкинки, жиниотчилик аввалгига қараганда бирмунча камайган.

28 сентябрь тунги соат учда номаълум кимс Темурали Малик кўчасидаги «Красновоосточная» трамвай депоси кўлида жойлашган 116-ошхона ичига кириб, 200 килограмм ичига 1 килограмм қойини «тўндон» қилган. Мирзо Улугбек район ички ишлар бошқармасининг ходимлари Турдиқуллов, Аримбоев ва Манноповларнинг ҳушёрликлари туфайли давлат мулкнинг ўғирлашда шубҳа билан ҳеч қандав ўқинмайдиган ва ишламайдиган А. ҳибсга олинди.

Шу кунни кундузи берилган хабарда айтилишича, уч нотаниш кимса Волгоград кўчасида жойлашган «Касар» тижорат дўконига кириб, со-

тувчи Х.га 40 минг сўмлик шубҳани харид қилиш ниятини билдиради. Ва уни ўлчаб кўриш баҳонасида такси машинасида Марказ-23 мавзесида жойлашган хонадон соҳибининг уйига борадилар, сўнг эса улар шубҳани олиб подъезддаги оралик ўтиш жойидан усталик билан бир пасда гоийиб бўлишди. Зудлик билан «Кўлга олиш» режиси тузилган милиция патруль-пост тартиб посбонлари Жунусов, Хусанов, Тапишазаровлар томондан такси машинасида қурилш коллексининг 2 ва 5 курс талабалари Т. ва А. уш-

30 сентябрь кундузи Йўлдош шаҳарчасида ўтказилётган тадбир пайтида Сергей район ички ишлар бўлимининг участка инспектори Пирмухамедов, махсус тезкор вакили Сомоновлар Тошкент аэропортининг авточилангери М.нинг хонадонини текшираётганларида бу уйда меҳмон бўлиб турган Ш.нинг ёнидан ханжар, 900 грамм миқдорда наша ва 20 граммлик кўкнори

ғийвандлик моделлари топилган ва мусодера этилди. 1 октябр тунда Юнусов олдасидаги «Идеал» меҳмонхонасида нотаниш киши «Сая» фирмасининг таржимонини Д.ни авраб ундан 465 АҚШ долларини олиб, жуфтаник ростлаб қолган. Юнусов РИИБ милиция ходимлари зудлик билан қидирув ишларини бошлаб юборишди. Натيجида ушбу жиниотни содир этган ҳеч қандав ишламайдиган С. кўлга олинди.

3 октябрда ўтар кечаси Уल्याнов кўчасида жойлашган «Курчум» кичик корхонаси деразаси орқали номаълум кишилар кириб умумий баҳоси 50.300 сўм бўлган ванна анжолларини ўғирлаб кетишган. Тезлик билан бошланган излаш ишлари натижасида Ички ишлар бошқармасининг ДАН йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан ҳеч қандав ишламайдиган А. ашъвий далиллар билан ушланди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг матбуот гуруҳи.

ТИЖОРАТ ЖАБРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Иссиқхоналар ва сазавот-мевалар сақлаш хоналарини қуришга ихтисослашган 450-механизациялашган кўча колоннага доимий ишлаш учун

- 1. Бош механик
2. Электр-пайвандчи
3. Тикловчи (монтажчилар)
4. Фишт терувчилар

КЕРАК

Иш ҳақи ишбай-муқофотли, фаолиятнинг кўча тарзда олиб борилган учун яна 20 процент миқдорда кўшимча ҳақ тўланади.

Манзилгоҳимиз: Кўйлик посёлкиси, Транспортная кўчаси, Марказий (Инқилоб) тивбонидан 55-маршрутдаги таксида, «Кўйлик» бозоридан эса 117-автобусда бориб «Медсанчасть» бекатида тушасиз.

ЮТУҚЛИ ОМОНЛАР — ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА!

Тошкент шаҳрида 1992 йил 6 октябрда бўлиб ўтган 100-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон Республикасининг барча жамғарма банкларида сақланаётган омонатлар бўйича қуйидаги ҳисоб рақамларига ютуқлар чиқди:

Table with 2 columns: Хисоб рақамлари, Омонатнинг ўртача сумага нисбатан ютуқ миқдори (фонсларда). Rows include numbers like А-030, А-040, А-081, etc.

Хисоб рақамлари сони 1000 дан ортиқ бўлган жамғарма банкларида биринчи мингликда қайси рақамларга ютуқ чиққан бўлса, кейинги мингликларда ҳам худди ўша ҳисоб рақамларига ютуқ чиқди, яъни: А-030, А-1030, А-2030 ва ҳоказо. А-040, А-1040, А-2040 ва ҳоказо. А-081, А-1081, А-2081 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — Тошкент шаҳар Мир-обод район ҳокими В. А. Чекарев.
Масъул котиб — Жамғарма банки Вошқарувиинг жамғарма ишчи ташкил этиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи З. А. Тилчеров.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1993 ЙИЛДА кундузги ва кечки бўлимларга ўқишга кирувчилар учун

ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

9 ва 11 йиллик маълумотга эга бўлган шахслар, шунингдек, мактабларнинг 9- ва 11-синфларида ўқиётган ўқувчилар қабул қилинади.
Машгулотлар 1992 йил 1 ноябрдан бошланади. Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадilar: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ўқувчилар учун мактабда ўқиётганлиги тўғрисида маълумотнома).

Ҳужжатлар ҳар кун кеч соат 16.00 гача техникумнинг эски биносида, 2-қаватда қабул қилинади. Телефон: 33-13-75.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Охулбобоев кўчаси, 12-уй (2, 3, 13, 28-трамвайларнинг «Сув спорти саройи» бекати; 3, 12, 21, 58, 68, 26, 37, 52, 18, 60, 97-автобусларнинг «Марказий хибон» бекати).

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТР ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

тест синовларига тайёргарлик кўриш курсларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курслари кундузги, оилавий ва сиртқи таълим шаклларида ташкил этилади. Кундузги таълим шаклидаги тайёрлов курслари Тошкент шаҳридаги 86, 120, 140, 168, 233, 246-таъинч мактабларида, 1-районлараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида, 39-ўрта ҳунар-техника билим юртида иш олиб борадилар. Машгулотлар математика, физика, она тили фанлари бўйича ҳафтага 3 мартадан соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Ўқини ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Машгулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Тайёрлов курсларининг оилавий таълим шаклида уй шароитидаги машгулотлар ёки институтда олиб бориладиган яқка тартибдаги машгулотлар кўзда тутилади.

Сиртқи таълим шаклидаги машгулотлар асосини математика ва физика фанларидан устулбий қўлланмалар бўйича олиб бориладиган мустақил иш ташкил этади.

Тайёрлов курсларининг фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 700084, Амир Темур кўчаси, 108-уй, ўқув бўлими, телефон: 35-97-91.

ИЖАРАГА ОЛАМАН

Хорижий ташкилотнинг ҳодими гараж, боғ ва телефон бўлган турар жойни ижарага олади. Соат 8 дан 17 гача 33-78-86 телефонига қўнгироқ қилинг.

СОТИЛАДИ

«Мастино неопилато» турига мансуб зотдор ит болалари сотилади. Телефон: 50-16-50.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ПЕДИАТРИЯ ИЛИМИ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

болалар юқумли касалликлари лабораториясининг раҳбари (тиббиёт фанлари номзоди);
пульмонология бўлими (2); педиатрияда тиббий-ижтимоий ва ташкилий масалалар лабораторияси (2)нинг кичик илмий ҳодимлари

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Хужжатлар директор номига қуйидаги манзилга юборилсин: 700179, Тошкент шаҳри, 2-Чинбой кўчаси, Талант тор кўчаси, 3-уй.

Х.З. КАЛОНОВ НОМИДАГИ ОЛИИ ХУНАР БИЛИМ ЮРТИ

«Программист» ва «Хусусий ЭХМ оператори» ихтисослари бўйича кечки бўлимига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўрта маълумотли шахслар, шунингдек, 11-синфларнинг ўқувчилари қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар 25 октябргача қабул қилинади. Машгулотлар 1 ноябрда бошланади.

Ўқини пулли, нақд пул билан ёки пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Манзилгоҳимиз: Хуршид кўчаси, 45-уй (10, 44, 85, 88-автобусларнинг «Семаш-ко» номи шифоҳона» бекати).

ТЕЛЕФОНЛАР: 34-55-73, 34-55-52.

Ташкилотлар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!

«ШАРҚ» НАШРИЕТ МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

идора китоблари, ҳар хил ён дафтарчалар, китобча ҳолига келтирилган босма иш қоғозлари, концертлар ёзиш учун дафтарлар ва бошқа қоғоз маҳсулотларини

ТАЙЕРЛАБ БЕРАДИ ВА СОТАДИ

Маҳсулотлар олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ва нақд пулга сотилади. Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Ленинград кўчаси, «Шарқ» нашриёт. - матбаачилик концернининг хизмат биносини.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-58-72, 33-50-75, 33-84-78, 33-80-07, 33-90-50.


«Сайёҳ-интур» бирлашмаси жамоаси бирлашманинг масъул ҳодими Б. М. Содиковга онаси Лутифи

МАҲКАМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ғафур Ғулум номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти бўлими мудири Ҳасан Гўрабековга онаси Офият ва

КАРИМБЕКОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗҒИН ЎТДИ



ТОШКЕНТДАГИ «Динамо» теннис клубининг майдонлари Ўзбекистон Республикаси пойтахтига 11 та шаҳар — Барнаул, Киев, Минск, Ялта, Екатеринбург, Пермь, Грозний ва бошқа шаҳарлардан келган теннис иқибозлари биринчилиги мусобақасида қатнашчилари билан гавжум бўлди.

Мусобақа очилиш кунининг катнашчиларини аъзнаванай спорт байрами билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ҳотам Абдураимов қизгин муборакбод этди. У мусобақага келган унинг катнашчилари қалбига гўзал ва ажойиб шахаримиз Тошкент бир умрга унутилмас таассурот қолдиришига ишонч билдирди. Чиндан ҳам шахаримизга таъриф буюрган меҳмонлар жуда хурсанд бўлдилар. Тошкентнинг теннис иқибозлари биринчилиги мусобақасида қатнашчилари билан гавжум бўлди.

Мусобақа очилиш кунининг 48 эркак ва 32 аёл мусобақаларининг биринчи даврасида иштироқ этишди. Киевлик Л. Трошина, С. Рибцев, О. Андреева, пермлик Д. Фекатаева-лернинг маҳорати таъсирга лойиқдир.

Бу мусобақани ташкил этиш осонлиқча кўчгани йўқ, дейди «Динамо» теннис клубининг вице-президенти И. Л. Дурғашвили. — Яхшиям ҳомилиларимиз бор экан. Улар бизнинг мушкулумизни анча осон қилишди. Биз «Конинок», «Бикалпа» фирмаларига, Тошкентдаги қурилш материаллари заводига, «Ўзбекхлопок» маша бирлашмасига ташлаққурлар айтганимиз. Бу ҳомийларнинг кўрсатган моддий ёрдами туфайли биз пулли совринларни таъсис этишга ҳам мушарраф бўлдик. Булар биринчи ўринини эгаллаган эркаклар учун 2,5 минг сўмлик мукофот, биринчи ўринини эгаллаган аёллар учун 1200 сўм мукофот деган сўзлар.

Теннис майдончаларида қизгин ўтган мусобақалар кеча никосига етди. Энди энг кучли теннисчиларнинг беллашувлари бошланди. Унда бу гал галиб чиққанлар ва ўтган мусобақаларнинг ишондорларини иштироқ этмоқдалар. Собир БОТИРОВ.

СУРАТЛАРДА: «Динамо» теннис клуби майдонларида бўлган мусобақалардан лашҳалар. Рустам Шарипов суратлари.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Тошкент оқшоми

- МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Шанба ва яшанбадан таъқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқаяди.
ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.
Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрлиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зинмасидадир.
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.